ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРДА ДИНИЙ ЭРКИНЛИКЛАРНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СВОБОДЫ ВЕРОИСПОВЕДАНИЯ В РЕФОРМАХ, ПРОВОДИМЫХ В УЗБЕКИСТАНЕ

THE ROLE OF ENSURING FREEDOM OF RELIGION IN THE REFORMS CARRIED OUT IN UZBEKISTAN

Axmedov TIMUR AXMEDOVICH,
INSTITUTE FOR STRATEGIC AND REGIONAL STUDIES UNDER THE PRESIDENT OF REPUBLIC OF UZBEKISTAN,
Head of Department. reward_red@mail.ru
43, Islam Karimov Street, 100163, Tashkent, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2023/1/5

Аннотация. *Мақолада Марказий Осиёда диний эркинлик ва қарашлар, уларнинг ривожланишига ҳамда мустақилликнинг дастлабки йилларидаги диний сиёсатга қисқа назар ташланиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилган ислоҳотлар Ўзбекистон жамияти ҳаётининг барча жабҳаларига, шу жумладан, диний эркинликларни таъминлаш соҳасига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказгани, хусусан, ушбу йўналишдаги асосий вазифалар 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аниқ акс эттирилгани, мамлакатда диний соҳада бошланган ислоҳотлар, аввало, диний эркинлик учун шароит яратишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани хусусида сўз боради.*

Муаллиф фикрига кўра, ўзгаришлар эътиқод эркинлигига оид конституцион ҳуқуқларни амалга ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратди, диний ташкилотлар фаолияти эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари сезиларли даражада мустаҳкамланди. Хусусан, 2020 йил июнь ойида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси тасдиқланди ва унда мамлакатда виждон эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилиши назарда тутилди. 2021 йилнинг июль ойида эса Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мақолада таъкидланишича, 2017 йилнинг октябрь ойида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Кенгашининг Дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси А.Шаҳид 15 йил давомида Ўзбекистонга илк бор ташриф буюриши ва мазкур ташриф якунлари доирасида билдирилган 12 та тавсия асосида Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқлангани бу борадаги ислоҳотлар ортга қайтмас тус олганидан далолат бермоқда.

Шунингдек, муаллиф 2020 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси БМТ тизимидаги энг нуфузли ҳукуматлараро органлардан бирига – Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо сифатида сайланди ва 2021-2023 йиллар даврида ушбу тузилма фаолиятида фаол қатнашиб келаётганига, 2020 йилнинг декабрь ойида эса АҚШ Давлат департаменти халқаро диний эркинликлар бўйича ўзининг матбуот учун баёнотида "сўнгги бир йил ичида Ўзбекистоннинг эришган муҳим, аниқ ютуқлари асосида диний эркинлик бўйича "махсус кузатувдаги давлатлар рўйхати"дан чиқарилганига эътибор қаратмоқда.

Муаллиф фикрига кўра, бу борадаги ишлар 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам 74- мақсад сифатида жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш вазифасида акс этгани диний эркинликларни таъминлаш масаласи ҳукумат кун тартибидан чиқмаганини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ушбу қисқа давр ичида диний эркинликларни таъминлаш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар натижаларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш ва кенг жамоатчиликка етказиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таянч иборалар*: диний эркинликлар, инсон ҳуқуқлари, виждон эркинлиги, диний ташкилотлар, диний эътиқод, диний таълим, диндорлар, БМТ, Ҳаракатлар стратегияси, диний бағрикенглик, диний экстремизм, "қора рўйхат", АҚШ Давлат департаменти.*

Аннотация. *В статье рассматриваются вопросы обеспечения религиозной свободы, исторические аспекты формирования данных взглядов в Центральной Азии и их развитие. Автором статьи представлен краткий обзор религиозной политики государства в первые годы независимости и ее результатов в сфере свободы вероисповедания.*

Автор отмечает, что реформы, проведенные в Узбекистане в последние годы, оказали положительное влияние на все аспекты жизни общества, в том числе в сфере свободы вероисповедания. В частности, основные в этом направлении задачи были четко отражены в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана на 2017-2021 годы.

Указывается, что реформы, начатые в религиозной сфере в стране, в первую очередь, направлены на создание условий для свободы вероисповедания и защиту прав и интересов граждан.

По мнению автора, изменения создали благоприятные организационно-правовые условия для реализации конституционных прав на свободу вероисповедания, значительно усилили правовые гарантии свободы

деятельности религиозных организаций. В частности, в июне 2020 года была утверждена Национальная стратегия Республики Узбекистан по правам человека, которая предусматривала совершенствование правовых механизмов обеспечения свободы совести в стране. В июле 2021 года принята новая редакция Закона Республики Узбекистан «О свободе совести и религиозных организациях».

В статье отмечается, что в октябре 2017 г. специальный докладчик Совета ООН по правам человека по вопросам свободы религии и убеждений А. Шахид впервые за 15 лет посетил Узбекистан и подготовил 12 рекомендаций. По итогам его визита Парламентом Республики Узбекистан принята «Дорожная карта» по обеспечению свободы вероисповедания. По оценкам автора, утверждение данной « Дорожной карты» свидетельствует о том, что реформы в этой сфере приобрели необратимый характер.

Автор также подчеркивает, что в октябре 2020 года Республика Узбекистан была избрана членом Совета по правам человека – одного из самых влиятельных межправительственных органов в системе ООН. В декабре 2020 г. Госдепартамент США исключил Узбекистан из списка стран, находящихся под особым наблюдением на основании значительных, конкретных достижений, которых он добился за последние годы.

По мнению автора, тот факт, что работа в этом направлении отражена в стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы в виде 74 целей по задачам укрепления и расширения межнационального согласия и межконфессиональной толерантности в обществе – показывает, что вопрос обеспечения свободы вероисповедания не сошел с повестки дня правительства.

Вместе с тем большое значение сегодня имеет глубокий анализ результатов реформ, осуществленных в сфере свободы вероисповедания за этот короткий период, а также раскрытие их сути и доведение их до широкой общественности.

Ключевые слова: *религиозные свободы, права человека, свобода совести, религиозные организации, религиозные убеждения, религиозное образование, верующие, ООН, Стратегия действий, веротерпимость, религиозный экстремизм, «черный список», Государственный департамент США.*

Annotation: *The article covers the issues such as ensuring religious freedom, the historical aspects of the formation of these views in Central Asia and their development. The author of the article presents a brief overview of the religious policy of the state in the first years of independence and its results in the field of religious freedom.*

The author notes that the reforms carried out in Uzbekistan in recent years have had a positive impact on all aspects of society, including in the field of religious freedom. In particular, the main tasks in this direction were clearly reflected in the Action Strategy for the five priority areas of development of Uzbekistan for 2017-2021.

It is indicated that the reforms launched in the religious sphere in the country are primarily aimed at creating conditions for freedom of religion and protecting the rights and interests of citizens.

According to the author, the changes have created favorable organizational and legal conditions for the implementation of constitutional rights to freedom of religion, significantly strengthened the legal guarantees for the freedom of activity of religious organizations. In particular, in June 2020, the National Human Rights Strategy of the Republic of Uzbekistan was approved, which provided for the improvement of legal mechanisms for ensuring freedom of conscience in the country. In July 2021, a new version of the Law of the Republic of Uzbekistan "On freedom of conscience and religious organizations" was adopted.

The article notes that in October 2017, the Special Rapporteur of the UN Human Rights Council on freedom of religion and belief, A. Shahid, visited Uzbekistan for the first time in 15 years and prepared 12 recommendations. As a result of his visit, the Parliament of the Republic of Uzbekistan adopted a "Road Map" to ensure freedom of religion. According to the author, the approval of this "Roadmap" indicates that reforms in this area have become irreversible.

The author also emphasizes that in October 2020 the Republic of Uzbekistan was elected a member of the Human Rights Council, one of the most influential intergovernmental bodies in the UN system. In December 2020, the US State Department removed Uzbekistan from the list of countries under special watch based on the significant, concrete achievements it has made in recent years.

According to the author, the fact that work in this direction is reflected in the development strategy of the new Uzbekistan for 2022-2026 in the form of 74 goals for the tasks of strengthening and expanding interethnic harmony and interfaith tolerance in society shows that the issue of ensuring freedom of religion has not come down from government agenda.

At the same time, a deep analysis of the results of the reforms carried out in the field of religious freedom over this short period, as well as the disclosure of their essence and bringing them to the general public, is of great importance today.

Key words: *religious freedoms, human rights, freedom of conscience, religious organizations, religious beliefs, religious education, believers, UN, Action Strategy, religious tolerance, religious extremism, "black list", US Department of State.*

КИРИШ

Кўп асрлар давомида дин Марказий Осиё жамияти маънавий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келган (https://bugun.uz/2021/11/12/markaziy-osiyoda-dinlar-tarixi-va-diniy-bagrikenglik/). Минтақа ўзининг географик ва геосиёсий ўрни туфайли турли цивилизация ва маданиятлар, шунингдек, диний тизимлар ва эътиқодлар ўртасидаги учрашув ва мулоқот жойига

айланган (Nematullo Mukhamedov & Nurulloh Turambetov, 2021:68-73).

Шу боис, минтақа мусулмон оламига ўзига хос маданий-цивилизация хусусиятлари билан кириб келди. VIII асрда Марказий Осиёда кенг тарқалган ислом дини маҳаллий ахлоқий меъёрлар, миллий урф-одат ва маросимлар, маданият ва турмуш тарзи билан қоришиб, ўзининг бағрикенг таълимоти билан машҳур ҳанафий мазҳаби шаклида мустаҳкам ўрнашди.

Мазкур жиҳат ушбу минтақада нафақат мусулмонларни, балки бошқа дин вакилларини ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, конфессияларо муносабатни мустаҳкамлашга замин яратди. Хусусан, асрлар давомида Марказий Осиёда насронийлар ва яҳудийлар яшаб келгани ҳамда тахтга ким ўтиришидан қатъи назар уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилингани бир неча манбаларда ўз аксини топган.

Чор Россиясининг Марказий Осиёни босиб олиши ва кейинчалик ҳукуматга коммунистларнинг келиши минтақада диний қарашларнинг ривожланишига, диний эркинликларга таъсир этмай қолмади. Жумладан, “жадидчилар” – ислоҳотчилар (1917-1932 йиллар) ҳаракатининг вужудга келиб, улар таълим ва маърифат орқали, муллаларга, барча диндорларга замонавий цивилизация афзалликларини кўрсатишга ҳаракат қилишлари билан тарихга киришди. Европа цивилизацияси мусулмонлар олдига қўйган муаммоларни ҳал қилиш зарурлигини таъкидлашди (https://www.uzanalytics.com/tarix/10076/ 2022).

Жадидлар ислом динидаги догма ва урф-одатлардан воз кечмасдан, ривожланган жамиятлардан мақбул янгиликларни (бидъати ҳасана) олиш орқали ислоҳотлар қилишга киришишган, шу билан бирга, ақидапарастлик ва жамиятнинг диний қарашларини радикаллаштиришга қарши чиққанлар.

1930 йилларда Собиқ Иттифоқда атеизм сиёсати эълон қилинганидан кейин барча диний ташкилотлар, шу жумладан, исломий таълим муассасалари ёпилди, аксарият дин арбоблари ва фаоллари қатағон қилинди.

Иккинчи ;аҳон уруши даврида дин ва диндорларга нисбатан муносабат бироз юмшатилди. 1943 йилда Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг Диний бошқармаси ташкил этилди (https://uza.uz/uz/posts/orta-osiyo-va-qozogiston-musulmonlari-diniy-idorasi qanday-tashkil-etilgan-edi_405794 2022). Унинг асосий вазифаси бутун минтақадаги диний вазият устидан марказлашган назоратни ўрнатиш эди.

Бироқ бу сиёсат узоққа чўзилмади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин “илмий атеизм” ривожланиб, у динни танқид қилиш ва унинг ўтмиш қолдиқлари эканлигини исботлашга хизмат қилган. Олий ўқув юртларида илмий атеизм кафедралари ташкил этилди, талабалар онгига дин “халқ учун афюн” деган ғоя сингдирилди.

Совет ҳукуматининг дин ва диний эркинликларга қарши сиёсати диний фаолиятнинг барча турларини тақиқлашда, деярли барча диний ташкилотларнинг ёпилиши, диний арбобларнинг қатағонлари, аҳоли ўртасида атеизмни кенг тарғиб қилиш билан ёдда қолди.

Кўрилган мазкур кескин чоралар минтақадаги диний ва сиёсий вазиятга салбий таъсир кўрсатди. Марказий Осиё ҳудудида ноқонуний “ҳужра”лар пайдо бўлди ва у ерда экстремистик ғоялар аҳолига сингдирилди. Унинг оқибатларини эса Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида ўз «тана»сида ҳис этди (Ахмедов Т., 2021).

УСЛУБЛАР

Мазкур даврда бир гуруҳ экстремистлар томонидан мамлакатда сиёсий тузумни ўзгартириш, ислом халифалиги тузиш, давлатни шариат меъёрлари асосида бошқариш каби талаблар қўйилди. Ушбу режа ҳамда интилишларнинг асосий қисми динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг пойдеворига путур етказиш ҳамда кўп миллатли жамиятимизнинг барқарор ва экстремистлар томонидан ҳокимиятни қурол билан эгаллаш каби ҳолатлар кузатилди (https://ria.ru/20090526/172345801.html 2009).

Террористик хуружларнинг кучайиши ва мамлакатнинг барқарор ривожланишига тўғридан-тўғри таҳдидларнинг ортиши шароитида радикал гуруҳларни зарарсизлантириш, шунингдек, террористик ҳаракатлар иштирокчиларига нисбатан қатъий қонуний чоралар кўрилди. Шубҳасиз, бу тадбирлар аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш ва мамлакат тараққиёти учун барқарор ижтимоий-сиёсий шароитларни яратишга қаратилган эди. Шу билан бирга, бу чекловлар аҳолининг диний эркинликларига таъсир ўтказди ҳамда ушбу йўналишда давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар назоратини кучайишига олиб келди (Т.Ахмедов, 2021:1-2).

Аммо назоратнинг кучайиши ва диний эркинликларнинг маълум маънода чекланиши фақатгина терактларнинг содир этилишини бартараф этишга замин яратган бўлса-да, лекин мутаассиблик (радикаллашув) муаммосига ечим бўла олмади.

Хусусан, Ўзбекистон фуқароларининг Сурия, Ироқ ва Афғонистондаги жанговар ҳаракатлардаги иштироки, келиб чиқиши ўзбекистонлик бўлган шахсларнинг АҚШ, Швеция ва Туркияда террористик ҳаракатларни содир этиши ҳам бу муаммо ечимига нисбатан ёндашувни қайта кўриб чиқиш, аҳоли орасида диний мутаассибликка қарши курашиш ҳамда профилактик чоралар самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатди (https://ria.ru/20171207/1510457248.html 2017).

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг янги сиёсий йўналишида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, хавфсизлик, динлараро тотувлик ҳамда бағрикенгликни таъминлашга катта эътибор қаратиб келмоқда. Ушбу йўналишдаги вазифалар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида (https://lex.uz/acts/3107036 2017) аниқ акс эттирилди.

ТАҲЛИЛ

Экстремизмга қарши курашиш борасидаги ёндашувлар ҳам концептуал жиҳатдан ўзгарди. Бунда асосий эътибор экстремизмнинг оқибатлари билан эмас, унинг сабаб ва омилларини бартараф этишга, шу жумладан, диний эркинликларни кенгайтиришга қаратилди. Буни қуйидаги жиҳатларда яққол кўрсак бўлади (Т.Ахмедов, 2021).

Биринчидан, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг диний эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда диний таълим олиш имкониятлари кенгайтирилди. Ўзбекистонда диний таълим муассасалари сони 15 тага етказилиши, улардан 13 таси Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус ислом билим юртлари (https://religions.uz/news/detail?id=1570 2021) ҳисобига ислом таълим муассасаларига қабул квоталари қарийб 2,5 баробарга ошди.

Диний таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, ўрта, олий диний таълим, магистратура, таянч докторантура ва докторантурадан иборат 5 босқичли янги тизим жорий қилинди. Бу билан Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасасини битирган бўлажак имом-хатиблар учун Ўзбекистон халқаро ислом академиясига магистратурага ўқишга кириб, ўз йўналиши бўйича фан доктори, профессор каби илмий унвон ва даражалар олиш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжуманда (https://daryo.uz:https://daryo.uz/k/2017/06/15, 2017) билдирган таклифларига асосан вилоятларда калом, ҳадис, фиқҳ, ақида ва тасаввуф илмларини ўрганишга ихтисослаштирилган 5 та илмий мактаб очилди.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий номидаги халқаро тадқиқот марказлари ташкил этилиб, ушбу муассасаларнинг асосий вазифаси сифатида ислом дини меросини ўрганиш ҳамда унга хос бўлган тинчлик, раҳм-шафқат ва бағрикенглик каби ҳақиқий қадриятларни кенг тарғиб қилиш белгилаб қўйилди.

Иккинчидан, диндорларнинг муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиши борасида уларга зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган ва диний озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлар самарадорлиги ошди.

Хусусан, 1991 йилда 350 киши Ҳаж зиёратини амалга оширган бўлса, 2018 йилда уларнинг сони 7350 нафарга етиб, дастлабки кўрсаткичдан 21 баробарга ортди. Умра сафари билан боғлиқ барча ташкилий чекловлар олиб ташланди. 2022 йилда эса 12 мингдан ортиқ зиёратчилар Ҳаж амалини бажаришга муваффақ бўлдилар (https://religions.uz/news/detail?id=1809 2023).

Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида яшовчи насроний ва яҳудийлар ҳам ўзлари учун муқаддас бўлган қадамжоларни зиёрат қилишлари учун бир қатор қулайликлар яратилди. Ўтган давр мобайнида икки мингдан ортиқ диндорлар Россия, Греция ва Исроил давлатларида жойлашган ана шундай зиёрат масканларига сафар уюштиришди.

Бу борадаги ишлар бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Саудия Арабистони Ҳаж ва умра ишлари вазири Тавфиқ бин Фавзон ар-Рабия учрашувида ўзбекистонликлар учун йиллик ҳаж квотасини икки баробар – 24 минг нафаргача, умра квотасини эса 100 минг нафаргача ошириш юзасидан келишувга эришилди (https://president.uz/uz/lists/view/5568, 2022).

Бундан ташқари, аъзолари оз сонли диний ташкилотларнинг муҳим қарорларни қабул қилишдаги иштироки кучайтирилди. 2018 йилда Дин ишлари бўйича қўмита ҳузурида жамоатчилик-маслаҳат органи сифатида фаолият олиб борувчи Конфессиялар бўйича кенгашнинг янги таркиби тасдиқланди. Унга Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган турли конфессияларга мансуб барча диний ташкилотлар, шу жумладан, “Иегова гувоҳлари”,

Еттинчи кун христиан-адвентистлари, Кришнани англаш жамияти каби оз сонли вакилларга эга ташкилот раҳбарлари киритилди (https://religions.uz/pages/view?id=13, 2022).

Мазкур кенгашнинг асосий мақсади Ўзбекистондаги мавжуд диний-ижтимоий жараёнларни муҳокама қилиш ҳамда ҳукумат учун тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатлигини ҳисобга олсак, буни жамият ҳамжиҳатлигини таъминлайдиган муҳим омил сифатида конфессияларо мулоқотни мустаҳкамлаш механизмлари такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар сифатида баҳолаш мумкин (Т.Ахмедов, 2020:4).

Учинчидан, ўзгаришлар эътиқод эркинлигига оид конституцион ҳуқуқларни амалга ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратди, диний ташкилотлар фаолияти эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари сезиларли даражада мустаҳкамланди. Жумладан, диний ташкилотни рўйхатга олиш учун тўланадиган давлат божи миқдори беш бараварга камайтирилди ва уларнинг ҳар чоракдаги ҳисобот тақдим қилиш амалиёти бекор қилинди.

Бундан ташқари, ижро ҳокимияти органи – Адлия вазирлигининг диний ташкилот фаолиятини тугатиш бўйича қарор чиқариш ваколати судларга ўтказилди (http://m.xabar.uz/jamiyat/2020).

2020 йил июнь ойида мамлакатда виждон эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилишини ҳам назарда тутувчи Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси тасдиқланди (https://www.dunyo.info/cyrl/site/inner/, 2020).

2021 йилнинг июль ойида эса Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди (https://lex.uz/docs/5491534 2021). Мазкур Қонун билан диний эркинликларни таъминлашда бир қатор фундаментал ўзгаришларга эришилди.

Хусусан, маҳаллий диний ташкилотлар, жумладан, масжидлар ва бошқа конфессияларнинг ибодатхоналарини ташкил этиш бўйича ташаббускор фуқаролар сони икки баробар камайтирилиб, 50 нафардан кам бўлмаган этиб белгиланди. Шунингдек, диний ташкилотнинг марказий бошқарув органи ва диний таълим муассасаларини тузиш учун ҳам 100 нафар ташаббускор бўлиши ҳақидаги талаби ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари розилигини олиш тартиби бекор қилинди.

Диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари Қонун билан белгиланиб, унда кўрсатилмаган асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмаслиги таъминланди.

Бундан ташқари, диний таълимнинг профессионал мақоми расман эътироф этилди, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, динга бўлган муносабатидан қатъи назар, дунёвий таълим олиш ҳуқуқи таъминланиши қайд этилди.

Турли баҳсларга сабаб бўлиб турган масалага барҳам берилди. Бу амалдаги қонунчилик ҳужжатларида “ибодат либоси” тушунчасининг ҳуқуқий таърифи мавжуд эмаслиги сабабли жамоат жойларида ибодат либосида юришга тақиқ Қонундан чиқариб ташланди (https://lex.uz/docs/5491534, 2021).

Шу билан бирга, Қонунда айрим чекловлар сақланиб қолди. Хусусан, диний таълим муассасасидан ташқарида диний таълим бериш ноқонуний фаолият сифатида белгиланиши, диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, миссионерлик фаолиятига йўл қўймаслик, диний мазмундаги материалларни диншунослик экспертизасининг ижобий хулосасини олгандан кейин тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш шулар жумласидандир.

Ўрнатилган чекловлар халқаро умумэътироф этилган нормаларга ҳам мос келади. Боиси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русм ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига якка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олиши” (https://lex.uz/docs/4872355, 2013) кўрсатиб ўтилган бўлса ҳам, дин ёки виждон эркинлигини айрим мезонлар мавжуд бўлган ҳоллардагина чеклашга йўл қўйилиши мумкин.

Хусусан, чеклов қонун билан ўрнатилган бўлса; ундан мақсад жамоат хавфсизлигини, (жамоатчилик) тартибини, ёки бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш бўлса; чеклов ана шу мақсадлардан бирига эришиш учун зарур ва унга мутаносиб бўлса; чеклов камситиш мақсадларида ўрнатилмаган ва камситадиган йўсинда қўлланилмаётган бўлса (Саидов А., 2019).

Тўртинчидан, ислоҳотлар халқимизга хос инсонпарварлик ва кечиримлилик сиёсатини экстремистик ғояларга қарши йўналтиришга қаратилган ишлар кўламини кенгайтиришга ҳам хизмат қилди. Хусусан, мамлакатимизда экстремистик гуруҳларга алоқадор деб ҳисобланган 20 мингдан зиёд фуқаролар махсус ҳисобдан чиқарилди (https://president.uz/uz/lists/view/2180, 2018) ва бундай “қора рўйхат”ларни юритиш амалиётидан бутунлай воз кечилди.

Мазкур фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий мослашувига ёрдам бериш, муаммоларини ҳал этиш, уларни жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида инсонпарварлик тамойилининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Жумладан, 2018 йилнинг 19 сентябрида «Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент Фармони эълон қилинди (https://lex.uz/docs/3911773, 2018). Мазкур Фармон экстремистик гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, ўз қилмишининг қонунга хилофлигини англаб етган ва тузалиш йўлига ўтган фуқароларга Ватанига, оиласи бағрига, тинч ҳаётга қайтиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси БМТ Бош котиби Антонио Гутерришнинг мурожаатини қўллаб-қувватлади ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2396-сонли резолюцияга мувофиқ (Резолюция Совета безопасности ООН №2396, 2017), ўз фуқароларини уруш зоналаридан ватанига қайтариш тўғрисидаги мажбуриятларни қабул қилди ҳамда 2019-2022 йиллар давомида "Меҳр" гуманитар операцияси доирасида 531 дан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари, асосан болалар ва аёллар, Сурия, Ироқ ва Афғонистон ҳудудларидан олиб келинди (https://www.gazeta.uz/uz/2021/04/30/mehr/ « 2021).

Сўнгги йилларда радикал ғоялар таъсирига тушиб қолган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда судлар аваалги йилларга нисбатан енгилликроқ қарорлар чиқаришмоқда. Масалан, агар 2016 йилгача террорчилик фаолияти билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича судялар узоқ муддатга (5 йилдан 15 йилгача) озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган бўлса, эндиликда судлар шартли ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан чекланишмоқда. Шунингдек, ноқонуний диний экстремистик ташкилотларда иштирок этган шахслар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – "маҳалла", Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари кафолати асосида суд залидан озод этилиши ҳолатлари кузатилмоқда (https://cabar.asia/uz/, 2020).

Бундан кўзланган асосий мақсад – мазкур тоифадаги инсонлар ўзларини давлат ҳимояси ва ғамхўрлиги остида, тўлақонли фуқаролар сифатида ҳис қилиши учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Боиси давлат ҳамда жамият учун хавфлилик даражаси унча юқори бўлмаган фуқароларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш усулидан кенг фойдаланиш ўзининг акс таъсирини бериб, уларни янада ғазаблантиришга ҳамда давлатга қарши ҳаракат қилишга олиб келиши мумкин.

НАТИЖА

Диний эркинликларни кенгайтириш борасидаги ишлар, бир томондан, халқимизни мамнун қилаётган бўлса, иккинчи томондан, халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Бу борада ҳукумат диний эркинликларни таъминлаш соҳасида халқаро ташкилотлар ва экспертлар билан конструктив мулоқот ва ҳамкорлик ўрнатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

2017 йилда мустақил Ўзбекистон тарихида илк маротаба БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид мамлакатимизга ташриф буюрди. Унинг тавсиялари асосида 2018 йил 4 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича "Йўл харитаси"ни тасдиқланиши (https://xs.uz/uzkr/post/, 2020) халқаро ҳамжамиятга кучли сигнал бўлди.

АҚШнинг Жонс Хопкинс номидаги Университет қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси Фредерик Старр ва ушбу институт директори Сванте Корнел ушбу ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон мусулмон дунёси учун муҳим ва мисли кўрилмаган янги йўналиш ва моделга асос солаётганини, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан экстремизм муаммосини ҳал этишга қаратилган самарали қадамлар қўйилаётганини эътироф этишди. Мутахассисларнинг фикрича, Шавкат Мирзиёев "Ислом маърифати" миллий ғоясини йўлга қўйиб, ҳукумат Ўзбекистоннинг ўзига хос "мўътадил" ҳанафийлик анъанасига эътибор қаратмоқда (S. Frederick Starr and Svante E. Cornell, 2018).

Виждон ва дин эркинликларидаги ўзгаришларнинг алоҳида бандлари халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари томонидан ижобий баҳоланди. «Human Rights Watch» ижрочи директори Кеннет Рот 2018 йилда чоп этилган йиллик ҳисоботида диний соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида кузатилаётган қатор ижобий жиҳатларни таҳлил этиб, диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган шахсларнинг

мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг “махсус рўйхатлари”дан чиқарилиши, Президент Шавкат Мирзиёев радикал гуруҳлар томонидан “адашган” фуқароларни нормал ҳаётга қайтариш зарурлиги борасидаги фикрларини алоҳида қайд этди (Roth, 2018).

